



**Наманган вилоятининг 2015 йилги маҳаллий бюджети
параметрлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-I-сон) 28, 99-моддалари, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ–2270-сонли қарори ҳамда Халқ депутатлари Наманган вилоят кенгашининг 2014 йил 9 декабрдаги 150/27-4-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ–2270-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. 2015 йилга мўлжалланган вилоят маҳаллий бюджетининг:

вилоят, туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари ҳажмлари, мақсадли субвенциялар ҳамда Республика бюджетидан вилоят бюджетига ўтказиб бериладиган даромадлар миқдорлари 1-иловага мувофиқ;

шаҳар ва туманлар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмаларнинг нормативлари ва айни шу солиқлардан вилоят бюджетига ажратмаларнинг меъёрлари 2-иловага мувофиқ;

вилоят бюджетининг захира жамғармаси миқдори 3-иловага мувофиқ;

вилоят бюджети, шаҳар ва туманлар бюджетлари айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туманлар (шаҳар) ҳокимлари маҳаллий бюджетлар айланма касса маблағларининг энг кам миқдорини белгиланган тартибда сақланишини таъминлаб борсинлар.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Н.Хайиталиев, вилоят иқтисолиёт бош бошқармаси (О.Инамов), вилоят молия (А.Ортиқов), вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Валиев) билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда:

бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Наманган вилоятининг субвенция олиш даражасини пасайтириш дастурини киритилишини таъминлаш;

2015 йилнинг 1-чораги якунлари бўйича вилоят маҳаллий бюджетларининг даромад келтирадиган базасини кўпайтириш, тушумларнинг қўшимча резервларини топиш ва тегишли ҳудудларда солиққа тортиладиган базани кенгайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилишини таъминлаш;

субвенция олиш даражасини қисқартириш дастурларини амалга оширишнинг бориши ва тегишли бюджетларнинг даромад келтирадиган базасини кўпайтириш чора-тадбирларининг натижалари тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорақда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиб борилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

5. Наманган вилояти ҳокимлигининг молия бошқармаси (А.Ортиқов)га маҳаллий бюджетларга бюджетдан мақсадли субвенциялар ва бюджет ссудалари (даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса тафовутларини қоплаш учун) ажратишда уларнинг миқдорларини ҳудудлар бўйича барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушишидан, шунингдек маҳаллий бюджетнинг биринчи навбатдаги харажатларини (иш ҳақи, иш ҳақидан ажратмалар, стипендиялар, нафақалар ва уларга тенглаштирилган тўловларни) сўзсиз молиялаштириш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда аниқлаштириш ҳуқуқи берилсин.

6. Вилоят молия бошқармаси (А.Ортиқов)га бюджет қонунчилигида белгиланган муддатларда 2015 йилги бюджет параметрларини шаҳар ва барча туманларга ҳамда тегишли бюджет ташкилотларига етказиш, шунингдек, умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетларга 2015 йил учун

ажратмалар миқдорларини вилоятдаги тегишли банк муассасаларига етказиш вазифаси топширилсин.

7. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Валиев) маҳаллий бюджетларга белгиланган солиқ ва тушумларни йил давомида мунтазам равишда ҳамда бир маромда ундирилишини таъминласин ҳамда шаҳар ва туманлар бўйича мавжуд боқиманда қарзларни кескин камайтириш борасида аниқ тадбирлар ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

8. Марказий банк вилоят бош бошқармаси (А.Дадабаев) барча тижорат банклари вилоят бўлимлари билан биргаликда давлат даромадларидан маҳаллий бюджетларга ажратмаларни ўз вақтида ўтказилишини таъминласин.

9. Шаҳар ва туманлар ҳокимларига:

давлат солиқ инспекциялари, молия ва банк идораларининг барча имкониятларини бюджетнинг даромадлар қисми прогноз кўрсаткичларининг барча манбаалар бўйича тўлиқ бажарилишини таъминлашга сафарбар қилиш; маҳаллий бюджетларнинг харажатлар қисмини сифатли ижро этилиши ҳамда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини қаттиқ назорат қилиш, бунда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бюджет ижросига оид қарорлари ва фармойишлари талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш вазифалари топширилсин.

10. Вилоят молия (А.Ортиқов) ва давлат солиқ (А.Валиев) бошқармалари ҳамда тижорат банклари вилоят бўлимлари мазкур қарорнинг бажарилиши тўғрисида вилоят ҳокимлигига ҳар чорак якуни бўйича ахборот бериб борсинлар.

11. Мазкур қарор “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” газеталарида расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

12. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Н.Хайталиев зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Б. Юсупов

Вилоят, шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг
2014 йил даромадлари ва харажатлари

№	Шаҳар ва туманлар номи	Даромадлар	Харажатлар	Субвенция*	минг сўм
					Маҳаллий бюджетга республика бюджетидан ўтказиб бериладиган даромад
1	Наманган шаҳар	181 681 104,0	181 681 104,0		
2	Мингбулоқ тумани	20 422 971,0	60 321 502,0	39 898 531,0	
3	Косонсой тумани	28 489 594,0	80 871 134,0	52 381 540,0	
4	Наманган тумани	39 157 769,0	78 707 491,0	39 549 722,0	
5	Норин тумани	24 737 449,0	67 101 167,0	42 363 718,0	
6	Поп тумани	34 526 217,0	90 441 708,0	55 915 491,0	
7	Тўрақўрғон тумани	30 814 688,0	88 023 203,0	57 208 515,0	
8	Уйчи тумани	30 331 865,0	88 689 318,0	58 357 453,0	
9	Учкўрғон тумани	32 552 954,0	81 877 396,0	49 324 442,0	
10	Чортоқ тумани	27 355 561,0	74 500 647,0	47 145 086,0	
11	Чуст тумани	36 787 718,0	99 113 494,0	62 325 776,0	
12	Янгиқўрғон тумани	29 668 525,0	86 644 784,0	56 976 259,0	
13	Вилоят бюджети	258 712 236,0	395 069 973,0	35 946 813,0	100 410 924,0
	Вилоят бўйича жами	775 238 651,0	1 473 042 921,0	597 393 346,0	100 410 924,0

* Маҳаллий бюджетларга бюджетдан мақсадли субвенциялар ажратишда уларнинг миқдорларини ҳудудлар бўйича барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушишидан, шунингдек маҳаллий бюджетнинг биринчи навбатдаги харажатлари сўзсиз молиялаштириш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда молиялаштириб борилади.

2015 йил шаҳар ва туманлар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмаларнинг нормативлари
ва айти шу солиқлардан вилоят бюджетига ажратмаларнинг
НОРМАТИВЛАРИ

(Физ ҳисобида)

Шаҳар ва туманлар номи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи		Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар		Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар, шу жумладан кичик корхона ва микрофирмалар буйича		Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи		Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи		Қўшилган қиймат солиғи		Акциз солиғи							
	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Ароқ		Бошқа винолар		Ўсимлик (пахта) ёғи	
															Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига
Наманган шаҳар	40%	60%	40%	60%	40%	60%	100%	0%	48%	52%	40%	60%								
Мингбулоқ тумани	100%	0%	100%	0%	100%	0%	100%	0%	40%	60%	100%	0%								
Косонсой тумани	100%	0%	100%	0%	100%	0%	100%	0%	79%	21%	100%	0%								
Наманган тумани	5%	95%	0%	100%	5%	95%	0%	100%	4%	96%	5%	95%	0%	100%	0%	100%	0%	100%	0%	100%
Норин тумани	100%	0%	100%	0%	100%	0%	100%	0%	68%	32%	100%	0%								
Поп тумани	5%	95%	5%	95%	5%	95%	100%	0%	40%	60%	5%	95%								
Тўрақўрган тумани	5%	95%	5%	95%	5%	95%	100%	0%	15%	85%	5%	95%								
Ҳайи тумани	5%	95%	5%	95%	5%	95%	100%	0%	20%	80%	5%	95%								
Учқўрган тумани	100%	0%	100%	0%	100%	0%	100%	0%	50%	50%	32%	68%						0%	100%	
Чортоқ тумани	100%	0%	100%	0%	100%	0%	100%	0%	100%	0%	100%	0%								
Чуст тумани	100%	0%	100%	0%	100%	0%	100%	0%	63%	37%	80%	20%								
Янгиқўрган тумани	100%	0%	100%	0%	100%	0%	100%	0%	50%	50%	50%	50%	35%	65%	100%	0%				

Вилоят ҳокимининг
2014 йил 10 -декабрдаги
358-сонли қарорига 3-илова

**Наманган вилояти маҳаллий бюджетининг
2015 йилги заҳира жамғармаси миқдорлари**

(минг сўм ҳисобида)

Вилоят бюджети	1 765 533,0
Вилоят бўйича жами	1 765 533,0

**Вилоят, шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг
2015 йилда айланма касса маблағлари режаси**

(минг сўм ҳисобида)

Шаҳар ва туманлар номи	Касса маблағлари режаси
Наманган шаҳар	980 965,0
Мингбулоқ тумани	324 444,0
Косонсой тумани	428 434,0
Наманган тумани	409 417,0
Норин тумани	363 949,0
Поп тумани	473 668,0
Тўрақўрғон тумани	468 797,0
Уйчи тумани	473 421,0
Учқўрғон тумани	430 535,0
Чортоқ тумани	385 264,0
Чуст тумани	541 505,0
Янгиқўрғон тумани	469 068,0
Вилоят бюджети	2 100 733,0
Вилоят бўйича жами	7 850 200,0